

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

УДК: 81'25

DOI: 10.36078/1577697944

ЁЗМА ТАРЖИМА: ГРАФИКА, ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА



Носир Мансурович ҚАМБАРОВ

Филология фанлари номзоди,
профессор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Тошкент, Ўзбекистон

uswu@yandex.com

Аннотация

Ҳозирги пайтда таржима назарияси ва амалиёти бошқа илмий соҳалар каби турлича ёндашувлар нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Тилнинг формал жиҳати ҳисобланган тиниш белгиларига таржима нуқтаи назаридан ёндашиш таржима сифатига таъсир кўрсатишини тадқиқ этиш бугун долзарб масалага айланди. Тиниш белгиларининг таржимадаги аҳамиятига бағишланган ушбу мақолада пунктацион белгилар биринчи марта таржима трансформацияси сирасига киритилган. Тиниш белгиларининг таржимада трансформацияга учраш сабаблари, омиллари ва уларни таржима қилиш усуллари ҳақида фикр юритилган. Тиниш белгилари жумладан нукта, вергул, икки нукта, нуқтали вергул, тире ва шу кабиларни матнда қўллаш ҳам лингвокультурологик хусусиятга эгалиги аслият ва таржималар мисолида далилланган. Таҳлилнинг объективлигини таъминлаш мақсадида статистик методдан фойдаланилган. Вилки Коллинз романининг инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига таржимаси мисолида тиниш белгилари трансформацияси таҳлил қилинади. Тиниш белгиларининг таржимада берилиши муносабати билан аслият ва таржима матнлари чоғиштирилиб, улардаги функцияларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари асосида таржима мазмунининг тиниш белгилари билан боғлиқ жиҳатларини сақлаш даражаси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: графика; тиниш белгилари; таржима трансформациялари; ўхшаш жиҳатлар; фарқ қилувчи жиҳатлар; грамматик трансформация; тиниш белгилар трансформацияси; график трансформация; лингвокультурология; статистик метод.

ПИСЬМЕННЫЙ ПЕРЕВОД: ПУНКТАЦИЯ И ЕЁ ТРАНСФОРМАЦИИ В ПЕРЕВОДЕ

Насир Мансурович КАМБАРОВ

Кандидат филологических наук, профессор

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

uswu@yandex.com

Аннотация

На данном этапе теория и практика перевода, как и другие научные дисциплины, изучается с различных точек зрения и подходов. Изучение знаков препинания, которые относятся к формальной стороне языка, как элементов, влияющих на качество перевода, остаётся актуальным в настоящее время. В статье впервые пунктуация рассматривается как один из видов трансформаций, используемый в процессе перевода. Объясняются причины, факторы изменения знаков препинания в переводе и на примерах показываются варианты интерпретации. На примере оригинала и его перевода доказывается наличие лингвокультурологических особенностей использования таких пунктуационных знаков в тексте, как точка, запятая, двоеточие, точка с запятой, тире и других. Для обеспечения объективности анализа использован статистический метод. Анализ трансформации знаков препинания проводится на примере прямого перевода романа Уилки Коллинза с английского на узбекский язык. В связи с переводом знаков препинания оригиналы и переведенные тексты сравниваются и определяется степень сохранения особенностей знаков препинания на основе их сходства и различий в их функциях.

Ключевые слова: графика; знаки препинания; переводческие трансформации; сходства; различия; грамматическая трансформация; трансформации знаков препинания; графическая трансформация; лингвокультурология; статистический метод.

TRANSLATION: PUNCTUATION AND ITS TRANSFORMATION IN TRANSLATION

Nasir Mansurovich KAMBAROV

Candidate of philological sciences, professor
Uzbekistan State World Languages University
Tashkent, Uzbekistan
uswu@yandex.com

Abstract

At this stage translation theory and practice is studied from different approaches like the other scientific spheres. At present studying punctuation as a formal side of the language and the element of influencing the quality of translation is considered and remained topical. The article for the first time considers punctuation as one of the types of transformation used in translation process. The reasons and various factors of changing of punctuation marks in translation is presented in the example taken from fiction. On the basis of translation examples taken from the original the existence of linguocultural peculiarities of using punctuation marks in the text including a full stop, a comma, a colon, a semicolon, a dash and so on is proven. For objectivity of the analysis a statistical method was used.

The article discusses aspects of translation transformations related to punctuation. The reasons for the change of punctuation marks in the translation are explained using interpretation methods and they are shown by analyzing examples. An analysis of the transformation of punctuation marks is carried out on the example of a direct translation of the novel *The Woman in White* by Wilkie Collins from English into Uzbek. In connection with the translation of punctuation marks, the original and translation texts are compared to define the degree of preservation of the characteristics of punctuation marks. Findings in analysis are determined on the basis of their similarity and differences in their functions.

Keywords: graphics; signs of punctuation; translation transformations; similarities; differences; grammatical transformation; transformations of signs of punctuation; graphic transformations; linguoculturology; statistical method.

Тиниш белгилари “...коммуникатив лингвистикада матни тушуниш ва талқин қилишда етакчи ўринни эгаллайди” (3, 4). Азалдан тиниш белгилари грамматиканинг махсус бўлими сифатида ўрганилган. Кейинчалик тиниш белгилари тил ҳодисаси сифатида тил ўқитиш методикасида ҳам тадқиқ этила бошланган (7). Тиниш белгиларининг турли қирралари жумладан унинг назарияси ва амалиёти (2), тил ҳодисаси сифатида инглиз тили лингвопоэтик, семиотик ҳамда коммуникатив асоси (1), тиниш белгиларининг дискурсдаги талқин имкониятлари (3), ифодали тиниш белгилари усуллариининг стилистик жиҳатлари (4), (13), тиниш белгиларининг газета матнидаги функциялари (5), гапларнинг актуал қисмларга бўлинишида тиниш белгиларининг график жиҳатдан расмийлаштирилиши (6), айрим тиниш белгиларининг бадий матнлардаги функциялари, айрим тиллардаги матнларни тиниш белгилари жиҳатидан расмийлаштириш (8), қўлланиш ўрнига кўра тиниш белгиларининг маънорлари ва прагматик аҳамияти (9), интернет тармоқларидаги матнларда қўлланадиган тиниш белгилари (10) турли турдаги матнларни тиниш белгилари ва график жиҳатдан шакллантириш масалалари (11), муркаккаб гапларда тиниш белгиларини қўллаш моделлари онтологик алоқаларнинг акс этиши сифатида (12) ўрганилганини гувоҳи бўламиз.

Тиниш белгилари бўйича мавжуд адабиётлар шарҳи графика ва тиниш белгилари таржима нуқтаи назаридан, таржима трансформациялари нуқтаи назаридан ҳали ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Тиниш белгилари таржима матнини тўғри тушунишга, талқин қилишга ва адекват таржима қилиб, таржимон орқали муаллиф билан китобхон ўртасидаги мулоқатнинг амалга амалга ошишишига имкон беради. Бунда матни тушуниш ва уни таржима қилишдан олдин тўғри талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади. Таржимашуносликда унинг ёзма ва оғзаки турлари фарқланади. Оғзаки ва ёзма таржима ўртасида умумийлик билан бирга айрим — муҳим аҳамиятга эга, таржимада ҳисобга олиш лозим бўлган фарқлар ҳам мавжуд. Оғзаки таржимада нутқнинг бешинчи турига хос сегмент ҳамда суперсегмент хусусиятлар устунлик қилса, ёзма таржимада тиниш белгиларининг (унинг ўрнига “ишоравий белгилар” деб аталадиган термин қўлланмоқда) хусусиятлари таржима сифатини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади.

Инглиз таржимашунос олими П. Ньюмаркнинг тиниш белгилари ва уларнинг таржимасига бағишланган илмий мақоласида бир қанча ўзига хос муаммолар ўртага ташланган.

Питер Ньюмарк тиниш белгиларининг таржимадаги муҳим жиҳатини таъкидлаб шундай ёзади: “Punctuation is an important element in translation theory. Rule-governed punctuation marks, which usually differ in form in various languages and mark breath pauses, normally keep their position in the translation. Semantic punctuation marks, which express emotions ... are used for special purposes, may sometimes be translated by words or phrases ...” (14, 30).

Тиниш белгиларини икки системадаги тиллар мисолида чоғиштирма таҳлил қилиш улар ўртасида сезиларли фарқ мавжудлигидан далолат беради. Бундан ташқари, инглиз олими курсив, қора қилиб ёзилган ҳарфлар, қия чизик, тўртбурчак кавсларнинг график жиҳатдан маънога таъсири, унинг матндаги вазифаларига, уларнинг маданий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтган. Бу борада олим шундай фикрларни келтиради: “Punctuation often marks pauses and binds spoken to written language. It has both rule-governed and expressive components, neither of which are usually adequately explained in either monolingual or bilingual dictionaries. For purposes of translation discussion, uppercase, lowercase, bold, underlying which often replaces dashes (to exemplify) marks in typescript and italics should be included in this subject, which can only summarize here.

Rule-governed punctuation marks differ in various languages. ... The most expressive English punctuation marks are italics (for emphasis, irony, disbelief, invented words), bold or underlying (to indicate importance), slashes (to indicate alternatives) and square brackets plus “sic” (to question the veracity of the SL text). The safest way to “to translate” these is to paraphrase them, usually in parenthesis, translated after cultural differences have been accounted for, but the text has to be annotated in all instances where the translator judges that the prejudiced language may mislead or misform a section of putative readership) (14, 30–31).”

Уларнинг икки тилда умумий бўлган битта хусусияти — номлари бир хил бўлиб, асосий фарқ уларнинг қўлланишида ҳамда таржимада трансформация қилинишида кўринади.

Бизнинг фикримизча, инглиз ва ўзбек тиллари тиниш белгилари ўртасидаги биринчи ва энг катта фарқ инглиз тилида икки хил тиниш белгисининг бир жойда қўлланмаслиги ҳисобланади. Ўзбек тилида битта гап сўнгида иккита турли гуруҳга (?) тегишли ва учта бир хил тиниш белгиси (!!!) қўлланиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Нуқта ва вергулларни, икки нутқа ва нуқтали вергулни, тире ва дефисни ҳамда кўп нуқталарни қўллашда ҳам сезиларли даражада фарқ мавжуд ва булар ёзма таржимада ҳисобга олиниши лозим.

Тиниш белгилари нафақат график, балки маънони фарқлаш, маънога аниқлик киритиш, маънони таъкидлаш, матнни шакллантириш, матнни мантиқий қисмларга бўлиш каби вазифаларни бажаради.

Матн нутқнинг ёзма шакли сифатида лингвистик, аниқроғи график жиҳатдан шаклланишида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Нукта матнда кўп қўлланадиган ва кенг тарқалган тиниш белгиси ҳисобланади, чунки у гапнинг тугаганлигидан далолат беради. Аксарият матности ҳаволалар (интернет ёки электрон манзиллардан ташқари)да, гап сўнгида нукта тиниш белгиси қўланади. Нукта қўлланадиган ҳолатлардан ташқари, инглиз ва ўзбек тилларида нукта қўлланмайдиган ҳолатлар ҳам кузатилади. Гапнинг охирида кўп нуктадан сўнг фикр тугалланмаганлиги учун нукта қўлланилмайди. Инглиз тилида иқтибос тугагандан кейин, кўштирноқ ёпилишидан олдин нукта, сўроқ белгиси ва ундов белгиси қўйилади (бу ҳолат ўзбек тилида ҳам шундай). Тўлиқ ёзилмаган сўзларда масалан, Co., Art., Chap., ҳам нукта қўйилади. Лекин сўзларнинг ўртасида ҳарфлар туширилиб қолдирилган ҳолатларда нукта ишлатилмайди: Mr, Dr, Ltd.

Инглиз ва ўзбек тилларида сарлавҳалардан кейин нукта қўлланилмайди.

Кўп нукта сўз ёки сўзлар, сўз бирикмаларнинг (тушириб) қолдирилганини англатади. Аксарият ҳолларда кўп нукта қуйидагиларни ифодалаш учун хизмат қилади:

- 1) сўз, сўзлар ҳамда сўз бирикмаларининг тушиб қолганини;
- 2) тўхтамга келиш, фикрлаш учун вақт зарурлигини;
- 3) фикрлаш жараёнининг охирига етмаганлигини;
- 4) сукут сақлаш, индамасликни.

Агар эллипсис қўллаш ганинг охирига тўғри келса, юқорида таъкидлаганимиздек, нукта қўйилмайди. Лекин эллиптик гап сўроқ ёки ундов гап бўлса, кўп нуктадан кейин ундов ёки сўроқ белгиси қўйилади.

Юқорида келтирилган тиниш белгиларини қўллаш қонун-қоидалри таржимада ўз аксини топиши лозим. Таржима муносабати билан таржима тили матнида тиниш белгиларини ўзгартиришни тиниш белгиларининг трансформацияси деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий тилдан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан хорижий тилга ёзма таржима қилишда қўлланиладиган график ўзгаришларни шартли равишда график трансформация деб аташ мумкин.

Шу муносабат билан таржима трансформацияларининг даражаланишини қуйидагича бериш мумкин:

1. График трансформация.
2. Тиниш белгилари трансформацияси.
3. Фонетик трансформация.
4. Лексик трансформация.
5. Лексик-семантик трансформация.
6. Грамматик трансформация.
7. Лексик-грамматик трансформация.
8. Стилистик трансформация.

График ва тиниш белгиларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни мураккаб трансформация, яъни улар аксарият ҳолларда бирга келишини ҳисобга олиб, график-тиниш белгилари трансформациялари деб аташ ҳам мумкин.

Маколамизнинг мақсади график ва тиниш белгиларининг таржима трансформацияси нуқтаи назаридан ўрганиш бўлганлиги учун асосий эътиборимизни уларга қаратамиз.

Тиниш белгиларининг таржимада берилиши, аниқроғи, тиниш белгиларининг таржимадаги трансформацияларини таҳлил этиш учун биз Вилки Коллинз қаламига мансуб “Оқ кийинган аёл” романининг ўзбек тилига А. Иминов томонидан 2010 йили бевосита ўтирилган таржима асарга мурожаат этдик (16). Бу, бизнинг фикрмизча, аслиятдан қилинган ҳар қандай таржима таҳлили объектив бўлишига кафолат беради. Чунки билвосита тилдан бажарилган таржимада турли трансформациялар, айниқса, грамматик ва стилистик трансформациялар амалга оширилганда нафақат сўз, балки гап ва унда қўлланган тиниш белгилари ҳам ўзгариб кетади. Бу эса, ўз навбатида, маънога ҳам таъсир этади. Грамматик трансформациялар сўз тартибининг, гап бўлагининг, гап турининг ўзгариши тиниш белгиларининг ўзгаришига олиб келади.

Энди бевосита аслиятдаги тиниш белгиларининг қўйилиши ва уларнинг таржимасида қўлланган трансформациясини таҳлил қилишга ўтамиз. Бундай таҳлилни амалга оширишда аслият матнидан бир бутун хатбошини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бутун бир хатбошида қўлланган тиниш белгиларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларининг таҳлили, унинг объектив бўлишини таъминлаш билан бирга, асар мазмунини очишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аслиятда берилган матн: *“But the Law is still, in certain inevitable cases, the pre-engaged servant of the long purse; and the story is left to be told, for the first time, in this place. As the Judge might once have heard it, so the Reader shall hear*

it now. No circumstance of importance, from the beginning to the end of the disclosure, shall be related on hearsay evidence. When the writer of these introductory lines (Walter Hartright by name) happens to be more closely connected than others with the incidents to be recorded, he will retire from the position of narrator; and his task will be continued from the point at which he has left it off, by other persons who can speak to the circumstances under notice from their own knowledge, just as clearly and positively as he has spoken before them” (15, 33).

Таржимаси: “Лекин қонун яққол кўриниб турган муқаррар ҳолатларда ҳам, ҳамон қаппайган ҳамённинг хизматкори бўлиб қолган, шу туфайлигина ўз вақтида ошқора қилинмаган воқеа тафсилоти ушбу саҳифада ёритилмоқда. Аллақачон адолат ҳукмига ҳавола этилиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган воқеадан китобхон ҳам эндиgina огоҳ бўлиши мумкин. Бу сирли жумбоқ, унга алоқадор вазиятлар моҳиятидан қатъи назар, бошдан оёқ ўзгалардан олинган далиллардан мустаснодир. Ушбу муқаддима муаллифи (исми Валтер Хардрайт) баён қилинаётган воқеага бошқалардан кўра кўпроқ алоқадор ҳоллардаgina ҳикоя унинг тилидан берилади. Бу масъулият унинг сўзи узилган нуқтадан бошлаб воқеага бевосита дахлдор бошқа шахслар томонидан худди аввалги гувоҳ тасвирланганидек аниқ, одилона давом эттирилади” (16, 7).

Биринчи галда тиниш белгиларини тилнинг график, формал жиҳати бўлганлиги учун уларни статистик нуқтаи назардан таҳлил этамиз. Чоғиштирилган мисоллар аниқроқ кўринишга эга бўлиши учун статистик маълумотларни жадвал тарзида тақдим этамиз:

Тиниш белгилари	Нуқта	Вергул	Нуқтали вергул
Аслиятда	4	11	2
Таржимада	5	5	0
Аслиятдан	1та кўп қўлланган	6та кам қўлланган	2та кам қўлланган

Жадвалда берилган маълумотларни шундай талқин қилиш мумкин. Аслиятда берилган хатбошида жами 17та тиниш белгиси қўлланган. Шулардан 4таси нуқта (яъни 4та гап), 11таси вергул (яъни бошланғич иккита гапда 1тадан, қолганлари эса кейинги гапларда қўлланган белгилар) ҳамда иккита нуқтали вергул қўлланган. Берилган хатбоши таржимасида эса жами 10та, шулардан нуқта 5та, вергул ҳам шунча ва нуқтали вергул таржимада

умуман қўлланмаган. Таржимада қўлланган тиниш белгига тегишли трансформациялар кўзга яққол ташланади. Аслиятда тиниш белгилар сони 17тани, таржимада эса 10тани ташкил этган.

Асардан яна бир парчани таҳлилга тортамыз.

Аслият матнида:

“Thus, the story here presented will be told by more than one pen, as the story of an offence against the laws is told in Court by more than one witness – with the same object, in both cases, to present the truth always in its most direct and most intelligible aspect; and no trace the course of one complete series of events, by making the persons who have been most closely connected with them, at each successive stage, relate their own experience, word for word” (Wilkie Collins Woman in White, 1978: 33).

Хатбошининг таржимасида тиниш белгилар қуйидагича қўлланган:

“Хуллас, жиноят тафсилоти суд ҳайъати олдида қонунан бир неча гувоҳ кўрсатмалари асосда бирин-кетин ойдинлашганидек, эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа бир эмас, бир неча шахс қаламига мансубдир. Иккала ҳолда ҳам кўзда тутилган ягона мақсад — ҳақиқатни ҳамиша бевосита рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида юзага чиқариш; буларга алоқадор шахсларнинг ҳар бирининг сўзини навбати билан батафсил эшитиб, тугал воқеалар силсиласини кузатиб боришдир” (16, 7).

Тиниш белгилари трансформацияларини таржимада қўлланишининг сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлилинини жадвалга солиб, улардаги ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Тиниш белгилари	Нуқта	Вергул	Нуқтали вергул	Тире
Аслиятда	1та	8та	1та	1та
Таржимада	2та	4та	1та	0

Таҳлилга тортилган иккинчи хатбошида инглиз тилида жами 11та, шулардан 1та нуқта, 8та вергул, 1та нуқтали вергул ва 1та тире қўлланган. Таржима тилида, яъни хатбошининг ўзбек тилидаги таржимасида жами 7та тиниш белгиси қўлланган, шулардан 2та нуқта, 4та вергул, 1та нуқтали вергул қўлланган. Таржимада эса тирега ўрин берилмаган. Бу ерда тиниш белгиларидан таржима трансформациясига нуқтали вергулдан бошқа ҳамма

тиниш белгилари учрашини таъкидлаш лозим. Бу ҳолатда ҳам грамматик трансформация тиниш белгилари трансформациясига таъсир этганини алоҳида қайд этиш лозим. Хатбошидаги битта гап таржимада иккита гап билан берилишига сабаб бўлган. Битта гап таржимада грамматик трансформацияга учраган, яъни аслиятдаги битта гап таржимада 2та гап билан берилган. Табиийки, иккита гап икки ва ундан ортиқ тиниш белгисини қўллашни талаб этади, яъни тиниш белгилар миқдори кўпаяди.

Аслият ва таржимадаги тиниш белгиларининг трансформациялари, ҳатто, битта гапдан ташкил топган хатбошиларда ҳам кузатилади, масалан:

Аслиятда:

“Let Walter Hartright, teacher of drawing, aged twenty-eight years, be heard first” (15, 33).

Таржимада:

“Биринчи сўзни йигирма саккиз ёшлик расм ўқитувчиси Валтер Хардрайтга берайлик” (16, 7).

Инглиз тилида иккита вергулга эга гап ўзбек тилига битта нуқтали дарак гап билан таржима қилинган. Шу сабабдан, аслиятдаги мажхул нисбатдаги дарак гап ўзбек тилида ўзлик нисбатидаги содда ёйиқ гап тарзида берилиши ҳисобига таржимада вергул тиниш белгиси, яъни график трансформацияга учраган, таржимада “тушириб қолдирилган”.

Шундай қилиб, инглиз тилидаги таҳлилга тортилган битти гапдан ташкил топган учинчи хатбошидаги битта нуқта ва иккита вергулдан иборат гап ўзбек тилига битта нуқта билан ўгирилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, инглиз ва ўзбек тилидан тиниш белгиларини қўллашда фарқ сезилади, тиниш белгиларининг кўп қўлланадиган ва кам қўлланадиган тури мавжудлигидан далолат беради. Функционал жиҳатдан тиниш белгиларини қўллашда ҳам фарқ мавжудлигини кўриш мумкин. Инглиз тилидаги икки нуқтали гаплар ўзбек тилига дарак гап сифатида таржима қилинганлиги боис ўзбек тилида нуқтали вергул сақланмаган. Иккинчидан, таржимада қўлланган трансформациялар тиниш белгиларини қўллашга ҳам бевосита таъсир этган. Учунчидан, инглиз тилидаги тиниш белгиларини қўллаш нормалари ўзбек тилида тиниш белгиларини қўллаш нормасига доим ҳам тўғри келавермаслигини исботлаган. Тўртинчидан, тиниш белгиларининг таржимадаги трансформациялари ҳам аниқ кузатилади (буни статистик маълумотимиз исботлади). Ва, ниҳоят, тиниш белгиларининг трансформацияси тилнинг структурасига, тузилиш жиҳатига алоқадор бўлгани учун грамматик трансформациялардан кейин юз

берадиган трансформациялар сирасига киради деган фикрни илгари суриш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Азарова Н. Д. Лингвопоэтические, семиотические и коммуникативные основы английской пунктуации: На материале современной англоязычной художественной прозы. Диссер. канд. филол. наук. — Москва, 2001. — 209 с.
2. Арапиева Л. У. Теория и практика знаков припенания в современном английском языке: Диссер. канд. филол. наук. — М., 1985. — 177 с.
3. Демидова З.В. Интерпретационный потенциал знаков препинания в дискурсе: Дескриптивный аспект: Диссер. канд. филол. наук. — Краснодар, 2003. — 183 с.
4. Дзякович Е. В. Стилистический аспект современной пунктуации: Экспрессивные пунктуационные приемы: Диссер. канд. филол. наук. — М., 1995. — 193 с.
5. Ибрагим Мохаммед М.Шариф Функционирование системы пунктуационных знаков: на материале газетных текстов: Диссер. канд. филол. наук. — Воронеж, 1993. 136 с.
6. Кольцова Л. М. Актуальное членение предложения и графические средства его оформления в поэтической речи (на материале русской советской поэзии): Диссер. канд. филол. наук. — Воронеж, 1984. — 168 с.
7. Корепанова О. П. Методика обучения пунктуации удмуртского языка учащихся 5-9 классов с учётом особенностей функционирования знаков припенания: Диссер. канд. филол. наук. — Москва, 2005. 144 с.
8. Корягина С. М. Принципы пунктуационного оформления текста в итальянском языке: Диссер. канд. филол. наук. — М., 2005. — 221 с.
9. Майзенгер Н. В. Позиционно-содержательная и прагматическая значимость знаков препинания в современном английском языке: Диссер. канд. филол. наук. — Барнаул, 2004. — 188 с.
10. Нашхоева М. Р. Особенности пунктуации в сетевых текстах форумов и блогов: на материале английского языка: Диссер. канд. филол. наук. — М., 2012. — 248 с.
11. Ткаченко Л.Н. Пунктуационно-графическая организация современного французского нарративного текста: на материале текстов Фр. Бегбедера. Диссер. канд. филол. наук. — Пятигорск, 2013. — 169 с.
12. Шёлкова С.В. Пунктуационная модель сложного предложение как отражение онтологических связей: На материале современного английского языка. Диссер. канд. филол. наук. — Барнаул, 2004. — 158 с.
13. Щевцова О.Н. Стилистические функции знаков препинания: На материале прозы В.Маканина: Диссер. канд. филол. наук.— Ростов-на-Дону, 1998. — 243 с.
14. Newmark P. Translation No 50. The Theory behind the Work you Do – and How to Use it. Journal: The Linguist April/May, 2008, V.47, No.2, pp.30–33.
15. Wilkie Collins The Woman in White edited with an Introduction and Notes by Julian Symons. Published in the Penguin English Library 1974. — 656 p.

16. Коллинз, Вилки Оқ кийинган аёл: роман / Вилки Коллинз; инглиз тилидан А. Иминов таржимаси. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 652 б.

REFERENCES

1. Azarova N. D. *Lingvopoeticheskie, semioticheskie i kommunikativnye osnovy angliiskoi punktuatsii: Na materiale sovremennoi angloyazychnoi khudozhestvennoi prozy* (Linguopoetic, semiotic and communicative bases of English punctuation: on the material of modern English-language fiction), Dissertations. Cand. Philol. sciences', Moscow, 2001. 209 p.
2. Arapieva L. U. *Teoriya i praktika znakov pripenaniya v sovremennom angliiskom yazyke* (Theory and practice of punctuation in modern English: Disser. Cand. Philol. sciences'), Moscow, 1985. 177 p.
3. Demidova Z. V. *Interpretatsionnyi potentsial znakov prepiniya v diskurse: Deskriptivnyi aspekt* (Interpretative potential of punctuation marks in discourse: Descriptive aspect), Disser. Cand. Philol. sciences', Krasnodar, 2003, 183 p.
4. Dzyakovich E. V. *Stilisticheskii aspekt sovremennoi punktuatsii: Ekspressivnye punktatsionnye priemy* (Stylistic aspect of modern punctuation: Expressive punctuation techniques), Disser. Cand. Philol. sciences', Moscow, 1995, 193 p.
5. Ibragim Mokhammed M. Sharif *Funktsionirovanie sistemy punktatsionnykh znakov: na materiale gazetnykh tekstov* (Functioning of the punctuation system: on the material of newspaper texts) Disser. Cand. Philol. sciences', Voronezh, 1993, 136 p.
6. Kol'tsova L. M. *Aktual'noe chlenenie predlozheniya i graficheskie sredstva ego oformleniya v poeticheskoi rechi* (Actual articulation of the sentence and graphic means of its design in poetic speech), Disser. kand. filol. nauk., Voronezh, 1984, 168 p.
7. Korepanova O. P. *Metodika obucheniya punktuatsii udmurtskogo yazyka uchashchikhsya 5–9 klassov s uchetom osobennostei funktsionirovaniya znakov pripenaniya* (Methods of teaching punctuation Udmurt language students grades 5–9, taking into account the functioning of signs pripenaniya) Disser. Cand. Philol. Sciences, Moscow, 2005, 144 p.
8. Koryagina S. M. *Printsipy punktatsionnogo oformleniya teksta v ital'yanskom yazyke* (Principles of punctuation of the text in Italian) Disser. Cand. Philol. sciences', Moscow, 2005, 221 p.
9. Maizenger N. V. *Pozitsionno-soderzhatel'naya i pragmaticheskaya znachimost' znakov prepiniya v sovremennom angliiskom yazyke* (Positional content and pragmatic significance of punctuation marks in modern English), Disser. kand. filol. nauk., Barnaul, 2004. 188 p.
10. Nashkhoeva M. R. *Osobennosti punktuatsii v setevykh tekstakh forumov i blogov: na materiale angliiskogo yazyka* (Features of punctuation in the online texts of forums and blogs: on the material of the English language), Disser. kand. filol. nauk., Moscow, 2012, 248 p.
11. Tkachenko L. N. *Punktatsionno-graficheskaya organizatsiya sovremennogo frantsuzskogo narrativnogo teksta: na materiale tekstov Fr. Begbedera*. (Punctuation-graphic organization of the modern French narrative text: on the material of the texts of FR. Beigbeder.), Disser. kand. filol. nauk., Pyatigorsk, 2013, 169 p.
12. Shelkova S. V. *Punktatsionnaya model' slozhnogo predlozhenie kak otrazhenie ontologicheskikh svyazei: Na materiale sovremennogo angliiskogo yazyka* (Punctuation model of

complex sentence as a reflection of ontological relations: on the material of modern English),
Dissert. kand. filol. nauk., Barnaul, 2004, 158 p.

13. Shchevtsova O. N. *Stilisticheskie funktsii znakov prepinaniya: Na materiale prozy V. Makanina* (Stylistic functions of punctuation marks: on the material of V. Makanin's prose) Dissert. Cand. Philol. sciences', Rostov-on-don, 1998, 243 p.

14. Newmark P. Translation No 50. The Theory behind the Work you Do – and Now to Use it. Journal: *The Linguist* April/May, 2008, Vol.47, No.2, pp.30–33.

15. Wilkie Collins *The Woman in White* edited with an Introduction and Notes by Julian Symons. Published in the Penguin English Library 1974, 656 p.

16. Kollinz, Vilki *Oq kiyingan ael: roman / ingliz tilidan A. Iminov tarzhimasi* (from English Translation of A. Iminov.), Tashkent: Publishing house of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2010, 652 p.